

“ЁШЛАР МУТОЛАА ЗАЛИ” ОЧИЛДИ



Мамлакатимизда Ахборот-кутубхона хизмат кўрсатиш соҳаларини янада такомиллаштириш мақсадида давлатимиз томонидан барча имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, миллий қадриятлар ва жаҳон маданияти ҳамда миллий-маданий меросни асраб-авайлаш ва бойитиш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига кутубхона муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш устувор вазифага айланмоқда.

Яқинда «Китоб ва мутолаа» ҳафталиги доирасида Шароф Рашидов тумани аҳолиси учун Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги томонидан Ёшлар кутубхонасида «Ёшлар мутолаа зали»нинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда ҳокимлик вакиллари, вилоят ва туман ахборот-кутубхона маркази, Ёшлар ишлари туман бўлими ва бошқа ташкилотлар ходимлари иштирок этишди.

Тадбирни вилоят Ахборот-кутубхона маркази директори Хафиза Қудратова кириш сўзи билан очди. Маросимда сўзга чиққан меҳмонлар Олим Мелибоев, Меҳрибон Абдурахмонова, Анвар Йўлдошев ва ёш китобхонлар тадбир иштирокчиларини янги очилган «Ёшлар мутолаа зали» билан табриклаб, келажак ёш авлодга катта хизмат қилишини таъкидлаб ўтишди.

Тадбир жараёнида Шароф Рашидов тумани Ёшлар ишлари бўлими бошлиғи Н. Мавдуров ҳамда туман Ахборот-кутубхона марказ директори Рисолат Адилова ҳамкорлик меморандуми имзолашди.

Тадбир сўнгида иштирокчилар ва ёш китобхонлар ҳамда меҳмонлар учун санъаткорлар ижросида жозибали куй ва қўшиқ ҳамда рақслар намойиш этилди.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда Ёшлар кутубхонасининг «Ёшлар мутолаа зали»да туман Ахборот-кутубхона маркази ходимлари ёш китобхонларга хизмат кўрсата бошлади. Кутубхонада вай-фай ва электрон ўқув залидан ўқувчилар оқилона фойдаланишмоқда.

Моҳира МАМАТҚУЛОВА,
Шароф Рашидов туман Ахборот-кутубхона марказининг “рақамлаштириш хизмати” раҳбари.